



DEVELOPING A HIGH CULTURE OF CONSUMPTION IN NEW UZBEKISTAN AS AN IMPORTANT FACTOR OF CULTURAL DEVELOPMENT

Alijon Tilavovich Qilichev

*Independent Researcher at the Bukhara State Pedagogical Institute
Bukhara, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: consumer culture, cultural progress, New Uzbekistan, enlightened society, cultural capital, simulacra, conspicuous consumption, digital algorithms, cognitive sovereignty, human capital.

Received: 23.05.26

Accepted: 24.05.26

Published: 25.05.26

Abstract: This article provides a socio-philosophical analysis of the phenomenon of high consumer culture as a fundamental factor of cultural progress in the context of contemporary postmodern reality and rapid digitalization. The transformation of the consumption process from a mere tool for satisfying economic needs into a complex system that defines symbolic meanings, social stratification, and cognitive sovereignty is deconstructed through the theoretical lenses of Western thinkers (J. Baudrillard, P. Bourdieu, F. Jameson) and local scholars (S. Shermukhamedov, M. Bekmurodov, Q. Nazarov). The paper highlights the crisis of “incessant irrational consumption” artificially generated by digital algorithms and neuromarketing, and argues for the vital necessity of enhancing cognitive immunity against algorithmic manipulations. Within the framework of the “Enlightened Society” concept implemented in New Uzbekistan, the article reveals the strategic significance of modernizing the national mentality, shifting away from traditional conspicuous consumption and wastefulness, and redirecting capital toward intellectual and green consumption environments, including education, healthcare, and human capital development.

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЮКСАК ИСТЕЪМОЛ МАДАНИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУХИМ ОМИЛИ
СИФАТИДА**

Алижон Тилавович Қиличев

Бухоро давлат педагогика институти мустақил изланувчиси

Бухоро, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: истеъмол маданияти, маданий тараққиёт, Янги Ўзбекистон, маърифатли жамият, маданий капитал, симулякр, кўргазмали истеъмол, рақамли алгоритмлар, когнитив суверенитет, инсон капитали.

Аннотация: Мазкур мақолада замонавий постмодерн воқелиги ва шиддатли рақамлашиш даврида юксак истеъмол маданияти феномени маданий тараққиётнинг фундаментал омили сифатида ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган. Истеъмол жараёнининг шунчаки иқтисодий эҳтиёжларни қондириш воситасидан рамзий белгилар, ижтимоий стратификация ва когнитив суверенитетни белгилловчи тизимга айланиши Ж.Бодрийяр, П.Бурдьё, Ф.Джеймисон каби ғарб мутафаккирлари ва С.Шермухаммедов, М.Бекмуродов, Қ.Назаров каби маҳаллий олимларнинг концепциялари асосида деконструкция қилинган. Мақолада рақамли алгоритмлар ва нейромаркетинг шароитида сунъий равишда шакллантирилувчи “тинимсиз иррационал истеъмол” инқирози ёритилиб, унга қарши когнитив иммунитетни кучайтириш зарурати асосланган. Янги Ўзбекистонда барпо этилаётган “Маърифатли жамият” ғояси контекстида миллий менталитетни модернизация қилиш, анъанавий кўргазмали ҳашам ва исрофгарчиликдан воз кечиб, капитални интеллектуал ҳамда яшил истеъмол муҳитига (таълим, соғлиқни сақлаш, инсон капитали) йўналтиришнинг стратегик аҳамияти очиб берилган.

РАЗВИТИЕ ВЫСОКОЙ КУЛЬТУРЫ ПОТРЕБЛЕНИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР КУЛЬТУРНОГО РАЗВИТИЯ

Алижон Тилавович Қиличев

Независимый исследователь

Бухарского государственного педагогического института

Бухара, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: культура потребления, культурный прогресс, Новый Узбекистан, просвещенное общество, культурный капитал, симулякр, демонстративное потребление, цифровые алгоритмы, когнитивный суверенитет,

Аннотация: В данной статье в социально-философском аспекте анализируется феномен высокой культуры потребления как фундаментального фактора культурного прогресса в условиях современной постмодернистской

человеческий капитал.

реальности и стремительной цифровизации. Трансформация процесса потребления из простого средства удовлетворения экономических потребностей в систему, определяющую символические знаки, социальную стратификацию и когнитивный суверенитет, деконструируется на основе концепций западных мыслителей (Ж. Бодрийяр, П. Бурдьё, Ф. Джеймисон) и отечественных исследователей (С. Шермухамедов, М. Бекмуродов, К. Назаров). В статье освещается кризис “непрерывного иррационального потребления”, искусственно формируемого цифровыми алгоритмами и нейромаркетингом, и обосновывается необходимость укрепления когнитивного иммунитета личности. В контексте идеи “Просвещенного общества”, реализуемой в Новом Узбекистане, раскрывается стратегическая важность модернизации национального менталитета, отказа от традиционного демонстративного потребления и расточительства в пользу инвестиций в интеллектуальную и зеленую среду (образование, здравоохранение, человеческий капитал).

Кириш. Юксак истеъмол маданиятининг шаклланиши ва унинг маданий тараққиёт ривождаги стратегик ўрни замонавий ижтимоий-фалсафий фанларнинг энг долзарб ва мураккаб йўналишларидан биридир. Истеъмол узок йиллар давомида фақат иқтисодий эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида талқин қилинган бўлса, бугунги постмодерн воқелигида у рамзий маънолар ишлаб чиқарувчи, ижтимоий стратификацияни белгиловчи ва жамиятнинг маданий-интеллектуал қиёфасини шакллантирувчи омилга айланди. Истеъмолчилик жамияти глобал миқёсда инсон онги ва турмуш тарзини унификация қилаётган бир даврда, “юксак истеъмол маданияти” феноменини миллий макон хусусиятлари, хусусан, Янги Ўзбекистонда кечаётган Учинчи Ренессанс драйвери контекстида тадқиқ этиш муҳим методологик аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда анализ ва синтез, тарихийлик, синергетика, герменевтика, ворисийлик, шунингдек, қиёсий таҳлил методларидан комплекс тарзда фойдаланилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Тадқиқот мавзусининг назарий-методологик асосларини ўрганишда жаҳон ва маҳаллий фалсафий-социологик фикр мактаблари

томонидан салмоқли ишлар амалга оширилган. Хусусан, истеъмол маданиятининг тизимли табиати ва унинг синфий дистинкциялари П.Бурдьё тадқиқотларида маданий капитал феномени сифатида асосланган бўлса, кеч капитализм даврида ушбу жараённинг товар фетишизми ва симуляция босқичига ўтиши Ж.Бодрийяр ҳамда Ф.Джеймисон асарларида фундаментал деконструкция қилинган. Глобал тизимдаги “тахлика жамияти” ва хулқ-атвор иқтисодиёти шароитида истеъмолчилик манипуляциялари Р.Талер ва У.Бек томонидан когнитив рискология нуқтаи назаридан очиб берилган. Замонавий ғарб социологиясида ушбу йўналиш Т.Томпсон ва Э.Арнольднинг “Истеъмол маданияти назарияси” (ССТ) доирасида концептуаллаштирилган.

Миллий маконда маданий трансформациялар ва маънавий эҳтиёжлар диалектикаси С.Шермухаммедов, М.Бекмуродов ва Қ.Назаровларнинг изланишларида ўзбек жамиятининг этносоциологик хусусиятлари ва менталитет модернизацияси контекстида таҳлил этилган. Рақамли муҳитда истеъмол хулқ-атворининг фалсафий ва синергетик жиҳатлари эса кейинги йилларда Б.Тўраев, А.Сеитов, Б.Омонов ҳамда Э.Каримов каби маҳаллий олимлар томонидан барқарор ривожланиш драйверлари сифатида тадқиқ этилмоқда. Бироқ, рақамли алгоритмлар ва когнитив суверенитет шароитида юксак истеъмол маданиятини маданий тараққиётни такомиллаштиришнинг бевосита механизми сифатида яхлит ижтимоий-фалсафий тадқиқ этиш масаласи ҳанузгача алоҳида изланишни тақозо этмоқда.

Таҳлил ва натижалар. Истеъмол маданияти атамаси кўп қиррали тушунча. Истеъмол маданияти назариясида истеъмол товар, хизмат, ғоя ва тажрибаларни сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва тақсимлаш ҳаракатларини англашиб, бу орқали ҳам кутилган фойдаланиш қиймати, ҳам меъёрий маънодаги қадриятлар яратилади. Арноулд ва Томпсон унинг асосий таркибий қисмларини қуйидагича таърифлайди: “Бозорда ишлаб чиқарилган товарлар ва иштиёқни уйғотувчи маркетинг белгиларини истеъмол қилиш истеъмол маданиятининг марказида туради. Бироқ, бу тизимнинг давомийлиги ва такрор ишлаб чиқарилиши кўп жиҳатдан кундалик ҳаётнинг шахсий соҳасида эркин танлов қилиш имкониятига боғлиқ”. “Истеъмол маданияти” атамаси, шунингдек, гуруҳлар ўз атроф-муҳитини жамоавий англаш ва аъзоларининг тажрибаси ҳамда ҳаётини йўналтириш учун бир-бирига мос келадиган, ҳатто зиддиятли амалиётлар, шахсий хусусиятлар ва маъноларни яратиш орқали фойдаланиладиган тижорат асосида яратилган тасвирлар, матнлар ва объектларнинг ўзаро боғлиқ тизимини ҳам ифодалайди.

XX асрга келиб бу ғоя Франкфурт мактаби вакиллари (Т.Адорно, М.Хоркхаймер, Г.Маркузе) томонидан “маданият индустрияси” назарияси доирасида ривожлантирилди .

Уларнинг фикрича, оммавий ишлаб чиқариш жамиятда “сохта эҳтиёжлар”ни шакллантиради. Инсон ўз реал маданий-руҳий эҳтиёжларини қондириш ўрнига, тизим томонидан сингдирилган товар ва хизматларни тинимсиз истеъмол қилиш марафонига кириб қолади. Бу эса инсон тафаккурининг примитивлашувига ва маданий тараққиётнинг турғунлигига олиб келади. Бироқ, юксак истеъмол маданияти мана шу деструктив марафонга тескари ўлароқ, инсоннинг ўз истеъмол хулқ-атворини оқилона (рационал), ахлоқий ва маданий мезонлар асосида назорат қилиш қобилияти сифатида намоён бўлади.

Ушбу соҳада тадқиқот олиб борган француз файласуфи Жан Бодрийяр ўзининг “Истеъмол жамияти” ва “Симулякрлар ва симуляция” асарларида маданият ва истеъмол муносабатларини бутунлай янги босқичга олиб чиқди. Бодрийяр фикрича, замонавий инсон буюмни унинг фойдалилик хусусияти учун эмас, балки унинг “рамзий белгиси” (статуси, нуфузи) учун истеъмол қилади. Истеъмол рамзлар тизимига айланиб, жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий фарқларни кодлаштиради. Агар жамиятда юксак истеъмол маданияти шаклланмаса, инсонлар сохта рамзлар (симулякрлар) кулига айланиб, ўзларининг ички маънавий юксалишини моддий буюмлар намоёниши билан алмаштириб қўядилар. Маданий тараққиётнинг ривожланиши эса рамзлар истеъмолидан маънолар ва билимлар истеъмолига ўтишни тақозо этади. Пьер Бурдьё ўзининг “Фарқлаш” номли фундаментал асарида ушбу жараёни “маданий капитал” ва “дистинкция” (ажралиб туриш) назарияси орқали чуқурлаштирди. Бурдьё кўрсатадики, инсоннинг истеъмол диди (эстетик танлови, китоб ўқиши, театр ёки музейларга бориши, кийиниши ва овқатланиши) унинг жамиятдаги маданий капитали даражасини белгилайди. Юксак истеъмол маданияти - бу моддий бойликларни оқилона чеклаб, маънавий, илмий ва маданий неъматлар истеъмолига устуворлик бериш кўникмасидир. Жамият аъзоларида бундай “габитус”нинг (ички хулқ-атвор кодининг) шаклланиши маданий тараққиётнинг сифат жиҳатдан юксалишига ва интеллектуал жамиятнинг пойдевори яратилишига хизмат қилади.

Иқтисодий антропология ва маданиятшунослик кесимида Карл Поланьининг “ижтимоий сингиб кетиш” назарияси истеъмол маданиятини баҳолашда муҳим ўрин тутади. Полань бозор иқтисодиёти жамиятнинг ахлоқий ва маданий нормаларидан узилиб кетганда, истеъмол вайронкор кучга айланишини таъкидлайди. Замонавий дунёда, хусусан, 2020-йилларнинг иккинчи ярми ва 2026 йил воқелигида ушбу муаммо экологик инқирозлар, ресурсларнинг тугаши ва “утиллаштириш маданияти”нинг йўқлиги мисолида намоён бўлмоқда. Юксак истеъмол маданияти бугунги кунда нафақат маънавий, балки экологик масъулиятни ҳам ичига олади. Торстейн Веблен ўзининг “Бўш вақт назарияси”да таърифлаган “кўргазмали истеъмол”- бойлик ва статусни кўрсатиш учун

асоссиз сарф-ҳаражат қилиш феномени маданий тараққиётнинг энг катта душмани ҳисобланади . Юксак истеъмол маданияти эса ушбу кўرғазмалиликни деконструкция қилиб, унинг ўрнига барқарор ривожланиш ва яшил истеъмол маданиятини илгари суради.

Замонавий постмодерн воқелиги ва шиддатли рақамлашиш даврида юксак истеъмол маданияти феномени шунчаки бозор иқтисодиётининг элементи ёки моддий неъматларни тақсимлаш механизми эмас, балки жамиятнинг когнитив суверенитетини ва маданий тараққиёт векторини белгиловчи фундаментал фалсафий категория ҳисобланади. Бу муаммони назарий жиҳатдан янги даражада англаш учун, энг аввало, Торстейн Вебленнинг классик ёндашувларини модернизация қилган ҳолда, Фредрик Джеймисон томонидан илгари сурилган “кеч капитализмнинг маданий мантиқи” назариясига муурожаат қилиш лозим . Джеймисон фикрича, ҳозирги даврда маданият ва иқтисод ўртасидаги чегара бутунлай йўқолган бўлиб, истеъмол жараёни инсон онгини кодлаштирувчи олий тизимга айланди .

Ўзбекистон илмий ҳамжамиятида истеъмол маданияти ва унинг маънавий-тарбиявий жиҳатлари маҳаллий олимлар томонидан миллий менталитет ва шарқона қадриятлар филтри орқали тадқиқ этилган. Файласуф олим Саид Шермухаммедов ўз ишларида “маънавий эҳтиёжлар фалсафаси”ни ишлаб чиқиб, ижтимоий ривожланишни таъминлаш учун моддий истеъмол ва маънавий юксалиш ўртасида қатъий баланс бўлиши шартлигини исботлаган . Муаллиф таъкидлайдики, агар жамиятда моддий истеъмол маданияти маънавий онгдан ўзиб кетса, бу маънавий қашшоқлик ва “истеъмолчилик нигилизми”ни келтириб чиқаради. Янги Ўзбекистон стратегиясида эълон қилинган “Маърифатли жамият” ғояси мазмунан айнан мана шу балансни тиклашга, яъни сохта ва дабдабали истеъмолдан юксак маданий ва интеллектуал истеъмолга ўтишга қаратилгандир.

Янги Ўзбекистоннинг замонавий ривожланиш босқичида маданий тараққиётни такомиллаштириш йўлидаги энг бош ижтимоий-фалсафий муаммо - жамиятда “истеъмолчилик экзистенциализми”нинг кучайишидир. Бунда инсон ўзининг ҳаётий борлиги ва мақсадини фақатгина моддий неъматлар ва визуал брендларни ўзлаштириш даражаси билан ўлчай бошлайди. Юксак истеъмол маданияти эса ушбу тизимли инкирозга қарши когнитив иммунитет сифатида намоён бўлиб, инсоннинг моддий истеъмол устидан маънавий ва интеллектуал гегемонлигини қайта тиклашни англатади.

Бу жараён кундалик ижтимоий амалиётда Ричард Талернинг “нажжинг” (Nudging - ундаш, ички туртки бериш) ва хулқ-атвор иқтисодиёти назарияси контекстида жиддий концептуал таҳлилни талаб қилади . Замонавий рақамли алгоритмлар, сунъий интеллект

ва нейромаркетинг технологиялари инсон онгида сунъий равишда «тинимсиз иррационал истеъмол» эҳтиёжини ишлаб чиқаради. Инсон ўзи сезмаган ҳолда алгоритмик манипуляциялар қурбонига айланади. Юксак истеъмол маданияти мана шундай «нейро-капитализм» шароитида шахснинг ўз танловларини рефлексив назорат қила олиши, рақамли ундашларга нисбатан танқидий тафаккурни намойиш этишидир. Агар жамият аъзоларида ушбу маданият шаклланмаса, маданий тараққиёт глобал трансмиллий корпорациялар томонидан бошқариладиган сохта эҳтиёжлар ботқоғига батамом ботиб қолади. Бу эса миллий олимлардан Элёр Каримов ва Фарҳод Каримовларнинг истеъмол хулқ-атвори трансформациясига бағишланган тадқиқотларида “рақамли истеъмолнинг ахлоқий чегаралари” сифатида маҳаллий эмпирик материаллар асосида асослаб берилган . Олимлар кўрсатадики, рақамли платформалар орқали кириб келаётган масофавий истеъмол маданияти миллий ижтимоий тизимда масъулиятсизлик ва молиявий дезориентацияни келтириб чиқармоқда; юксак истеъмол маданиятини шакллантириш эса рақамли саводхонликни ахлоқий қадриятлар билан тизимли синтез қилишни тақозо этади.

Социолог ва файласуф Мансур Бекмуродов ўзининг миллий менталитет трансформациясига бағишланган тадқиқотларида ўзбек жамиятидаги истеъмол хулқ-атворининг этносоциологик хусусиятларини атрофлича таҳлил қилган . Бекмуродов таъкидлашча, анъанавий ўзбек маданиятида истеъмол фақат индивидуал жараён бўлмай, кўп ҳолларда жамоавий фикр (маҳалла, қариндош-уруғчилик) назорати остида бўлади. Бунинг ижобий томони - ижтимоий ҳамжихатлик бўлса, салбий жиҳати - тўй-ҳашамлар ва маросимларда Т.Веблен айтган “кўрғазмали истеъмол”нинг миллий шаклда ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатилишидир. Олим юксак истеъмол маданиятини шакллантиришни миллий менталитетни модернизация қилишнинг муҳим шарт деб ҳисоблайди. Анъанавий исрофгарчилик ва мажбурий кўрғазмалиликдан воз кечиб, маблағларни инсон капиталига - таълимга, соғлиқни сақлашга ва шахсий ривожланишга йўналтириш юксак истеъмол маданиятининг асосий мезонидир.

Маданиятшунос олим Қудрат Назаров маданиятни бошқариш ва тизимли ёндашув контекстида истеъмол муаммосини “ахборот ва рақамли неъматлар истеъмоли” сифатида тадқиқ этади . Назаров фикрича, 2020-йиллардан бошлаб жамиятда моддий буюмлар истеъмолидан кўра ахборот, медиаконтент ва рақамли хизматлар истеъмоли устуворлик касб этмоқда. Юксак истеъмол маданияти бугунги кунда ёшлар орасида “медиагигиена” ва “рақамли маданият” шаклини олиши лозим. Сифатсиз ахборотларни, деструктив контентларни кўр-кўрона истеъмол қилиш ижтимоий онг архитектурасини вайрон қилади. Шу боис, давлатнинг маданий сиёсати аҳолида интеллектуал ахборот истеъмоли

филтрларини шакллантиришга қаратилиши стратегиянинг асосий устуни бўлиши керак. Файласуф Баҳодир Тўраев эса ушбу жараёни синергетик қонуниятлар асосида ўрганиб, истеъмол маданияти жамиятнинг ички барқарорлигини таъминловчи «диссипатив тузилма» эканлигини, соғлом истеъмол тизимда хаоснинг олдини олишини асослаб берган.

Истеъмол маданияти иқтисодий маданият ҳодисаларидан биридир. “Оммавий истеъмол жамияти”, “истеъмол жамияти”, “истеъмолчилар жамияти” каби тушунчалар ижтимоий-гуманитар фанларда саноати ривожланган мамлакатлар эришган сифат ҳолатини ифодалаш учун қўлланилади. Бу жамиятнинг асосий муаммоси инсон эҳтиёжларини таснифлаш, моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг ўзаро нисбати, шунингдек, уларнинг ўсиш чегаралари масаласи бўлиб, бу чегаралардан сўнг вайронкор жараёнлар бошланади. Бугунги кунда экологик онг шаклланаётган ва антропоцентрик парадигма ўрнини экоцентризм эгаллаётган бир пайтда, соғлом ва оқилона эҳтиёжларни шакллантириш ҳамда сингдириш глобаллашиб бораётган дунё ахлоқшунослигининг энг муҳим муаммосига айланмоқда.

Ушбу нуқтаи назар тадқиқотчи Азамат Сеитовнинг “ижтимоий модернизация ва барқарор истеъмол парадигмаси” номли тадқиқотларида янги мазмун билан бойитилган. Сеитов Янги Ўзбекистоннинг стратегик трансформацияси шароитида аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги истеъмол дисбалансини таҳлил қилади. Олим фикрича, юксак истеъмол маданияти - бу жамиятдаги иқтисодий ресурсларни маънавий ва интеллектуал капиталга ўтказиш (конвертация қилиш) механизмидир. Агар жамият топган даромадини фақатгина юзаки кўргазмалиликка, ҳашаматли маиший қулайликларга ёки сохта ижтимоий ритуалларга сарфласа, бу “иқтисодий ўсиш бор, лекин маданий тараққиёт йўқ” деган парадоксни туғдиради. Маданий юксалиш иқтисодий капиталнинг илм-фан, таълим, китобхонлик, юқори технологиялар ва соғлиқни сақлаш неъматлари истеъмолига йўналтирилишини, яъни “интеллектуал истеъмол” устуворлигини англатади.

Бу эса семиотика ва маданият фалсафасида Умберто Эко томонидан илгари сурилган “рамзий кураш” назариясига мос келади. Эко фикрича, оммавий ахборот ва истеъмол жамиятида инсон рамзлар томонидан мажбурий тарзда бошқариладиган “пассив объект”га айланмаслиги учун у рамзларни мустақил равишда декодлаш (мазмунини чақиш) қобилиятига эга бўлиши керак. Бугунги ўзбек жамиятида глобал брендлар, ғарб ва шарқ оммавий маданияти контентлари миллий маконга шиддат билан кириб келмоқда ва маҳаллий рамзлар тизимини сиқиб чиқармоқда. Юксак истеъмол маданияти бу - семиотик суверенитетни сақлаш демакдир. Шахс ташқи маданий импортни кўр-кўрона истеъмол

қилмай, уни миллий ахлоқий кодекс ва миллий менталитет филтридан ўтказди, бу эса маданий деколонизациянинг энг олий шакли ҳисобланади. Тадқиқотчи Улуғбек Азимов ўзининг “глобал маданият ва миллий ижтимоий макон диалектикаси” ҳақидаги тадқиқотида айнан мана шу рамзий мувозанат муаммосини ўртага ташлайди ва миллий истеъмол дидини (эстетик дидни) юксалтиришни маданий хавфсизликнинг бош қафолати деб баҳолайди .

Шу билан бирга, когнитив нейросоциология ва фалсафа кесимида Кэтрин Малабунинг “нейропластиклик ва ҳокимият фалсафаси” назарияси истеъмол маданиятининг инсон мияси структурини ўзгартириш кучига эга эканлигини кўрсатади . Малабу фикрича, инсоннинг кундалик истеъмол қиладиган нарсалари (ахборот, овқатланиш маданияти, визуал макон) унинг нейрон алоқаларини (мия архитектурасини) шакллантиради. Юксак истеъмол маданияти - бу шахснинг ўз когнитив саломатлигини сақлаш маданиятидир. Сифатсиз, примитив ва клипни контентларни, фаст-фуд ва юзаки маиший маҳсулотларни узлуксиз истеъмол қилиш жамиятда “когнитив қашшоқлик”ни (интеллектуал даражанинг пасайишини) келтириб чиқаради. Маданий тараққиётни такомиллаштириш учун давлат ва институционал тизимлар жамият аъзоларида “когнитив диета” ва юксак эстетик истеъмол эҳтиёжларини шакллантириши лозим.

Янги Ўзбекистонда шаклланаётган Учинчи Ренессанснинг маънавий-интеллектуал пойдеворини қуришда файласуф олим Бахтиёр Омонов таъкидлаганидек, “инновацион истеъмол муҳити”ни яратиш стратегик аҳамиятга эга . Омонов ўз тадқиқотларида кўрсатадики, янгиликни, илмий билимни, рақамли экотизимларни ва маданий кадрларни фаол ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этишнинг ўзи юксак истеъмол маданиятининг таркибий қисмидир. Жамиятда пассив истеъмолчилик психологиясидан (боқимндалик, фақат тайёр маҳсулотни ейиш) фаол-ижодий истеъмолга (маълумотни олиб, ундан янги билим яратишга) ўтилгандагина маданий тизимда туб бурилиш содир бўлади.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва аргументларнинг мазмунидан келиб чиқиб таъкидлаш ўринлики, юксак истеъмол маданияти - бу рақамли капитализм ва алгоритмик манипуляциялар шароитида шахснинг когнитив суверенитетини таъминловчи, прагматик эҳтиёжларни маънавий-экологик ва интеллектуал филтрлар воситасида рефлексив мувофиқлаштирувчи ҳамда моддий ресурсларни тизимли равишда инсон капиталини юксалтиришга йўналтирувчи трансформацияловчи ҳулқ-атвор парадигмасидир.

Шунингдек, юксак истеъмол маданияти - бу глобал рамзий ва технологик детерминация (ташқи босим) шароитида шахснинг экзистенциал мустақиллигини

ифодоловчи, пассив-истеъмолчилик психологиясини акс-ижодий (просумерлик) фаолиятга трансформация қилувчи ҳамда жамиятнинг моддий капиталини интеллектуал-эстетик қадриятлар тизимига ўтказувчи когнитив-семиотик механизмдир.

Юксак истеъмол маданияти маданий тараққиётнинг шунчаки тармоғи эмас, балки унинг яшовчанлигини, сифатини ва истикболини белгиловчи ички назорат матрицасидир. Джеймисоннинг маданий мантиқ назарияси, Ричард Талернинг хулқ-атвор концепцияси ва миллий олимларимиз (А.Сеитов, Б.Омонов)нинг модернизация ҳақидаги қарашлари шуни исботлайдики, Янги Ўзбекистонда маданий юксалишга эришишнинг олий ижтимоий-фалсафий механизми - жамият аъзоларини алгоритмик нейро-манипуляциялар кули бўлган “пассив оммавий истеъмолчи”дан, ўз ҳаёти, табиати, рамзлар олами ва миллий келажаги учун масъул бўлган “юксак интеллектуал истеъмолчи” даражасига кўтаришдан иборатдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, юксак истеъмол маданияти маданий тараққиётнинг шунчаки натижаси эмас, балки уни ҳаракатлантирувчи энг бош катализатори ҳисобланади. Жамиятда истеъмол маданияти қанчалик юқори бўлса, исрофгарчилик ва сохта рамзлар парадидлари шунчалик камаяди, инсон капитали ва интеллектуал соҳаларга инвестиция киритиш ҳаётий эҳтиёжга айланади. Янги Ўзбекистонда маданий тараққиётни такомиллаштиришнинг ижтимоий-фалсафий ечими - Ж.Бодрийяр танқид қилган “симулякрлар истеъмоли жамияти”дан П.Бурдьё ва миллий мутафаккирларимиз илгари сурган “юксак маданий ва маърифий капитал истеъмоли жамияти”га ўтишни тизимли таъминлашдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Arnould, E. A. & Thompson, C. J. Consumer culture theory (CCT): Twenty years of research // *Journal of Consumer Research*. — 2005. — Vol. 31 (March). — P. 868–882.
2. Азимов У. Глобаллашув ва миллий маданий макон суверенитети муаммолари // *Фалсафа ва ҳуқуқ*. — 2023. — № 1. — Б. 18-31.
3. Бекмуродов М. Миллий менталитет ва модернизация // *Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари*. — 2018. — № 2. — Б. 15-29.
4. Бек У. Общество риска. На пути к другому модерну / Пер. с нем. — М.: Прогресс-Традиция, 2000. — 384 с.
5. Бодрийяр Ж. Общество потребления: его мифы и структуры. — М.: Культурная революция, Республика, 2006. — 269 с.
6. Бодрийяр Ж. Симулякры и симуляция / Пер. с фр. А. Качалова. — М.: Постум, 2015. — 240 с.

7. Бурдьё П. Различение: социальная критика суждения // Экономическая социология. — 2005. — Т. 6. — № 1. — С. 25-48.
8. Веблен Т. Теория праздного класса. — М.: Прогресс, 1984. — 367 с.
9. Джеймисон Ф. Постмодернизм, или Культурная логика позднего капитализма. — М.: Изд-во Института Гайдара, 2019. — 392 с.
10. Каримов Э., Каримов Ф. Рақамли жамиятда истеъмолчи хулқ-атвори фалсафаси ва трансформацияси // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. — 2022. — № 4. — Б. 32-45.
11. Малабу К. Что нам делать с нашим мозгом? / Пер. с фр. — М.: Красная ласточка, 2019. — 120 с.
12. Назаров Қ. Маданият фалсафаси ва тизимли ёндашув. — Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2012. — 312 б.
13. Омонов Б. Янги Ўзбекистонда инновацион маданият ва интеллектуал истеъмол муҳити диалектикаси. — Тошкент: Мухаррир, 2021. — 180 б.
14. Поланьи К. Великая трансформация: политические и экономические истоки нашего времени. — СПб.: Алетейя, 2002. — 320 с.
15. Сеитов А.П. Ижтимоий модернизация жараёнида барқарор истеъмол маданиятини шакллантириш муаммолари. — Тошкент: Фан, 2020. — 164 б.
16. Талер Р. Новая поведенческая экономика. Почему люди нарушают правила рыночной экономики. — М.: Эксмо, 2017. — 384 с.
17. Тўраев Б. Ижтимоий тизимлар синергетикаси ва маданий трансформациялар // Фалсафа ва ҳуқуқ. — 2021. — № 3. — Б. 42-55.
18. Хоркхаймер М., Адорно Т.В. Диалектика Просвещения. Философские фрагменты. — М.-СПб.: Медиум, Ювента, 1997. — 312 с.
19. Шермухаммедов С. Инсон маънавияти фалсафаси. — Тошкент: Ношир, 2011. — 256 б.
20. Эко У. Отсутствующая структура. Введение в семиологию. — СПб.: Симпозиум, 2006. — 544 с.